

ЗИНДАБОД ДЎСТИИ ХАЛҚҲО! ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ЯШНАЙВЕРСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 105 (3843).

31

М А Й

ЖУМА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда тожик адабиёти
ва санъати декадаси муваффақи-
ятли якунланди.

Декада икки қардош халқ дўст-
лиги, ҳамкорлиги ва биродарлиги-
нинг ёрқин намоишига айланди.



СУРАТДА: тожик Давлат филармониясининг рақсозлари «Ешлик» рақсини ижро этишмоқда.
А. Абали, А. Тўраев ва М. Нуриддинов фотолари.



МАШХУР тожик шоири Мирзо Турсунзода Тошкент дорилфунуниининг студентлари билан уч-
рашди. Суратда: Мирзо Турсунзода студентларга дастхат ёзиб бермоқда.

ДЎСТЛИК СИМФОНИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ТАРОНАЛАРИ

Шу кунларда Ўзбеклар диёри-
да сон-саноқсиз марта янграган
тожик суҳаб, қўшиғи ва рақси
бир бутун бўлиб янги гузал сим-
фония — қардош совет халқлари
дўстлигининг симфонияси вужуд-
га келди. Нихоят кеча ана шу
симфониянинг якунловчи тарона-
лари янгради. 30 май кунин Тош-
кентдаги Алишер Навоий номи
опера ва балет театрида Тожи-
кистон адабиёт ва санъати дека-
дасининг ёпилишга бағишланган
таътил кеча бўлди.

Президиумда КПСС Марказий
Комитети Сийёс Бюроси аъзоли-
га кандидат, Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари Ш. Р. Раши-
дов, Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети Бюросининг
аъзолари ва аъзоликка канди-
датлар И. Г. Алисимкин, Р. Қурбо-
нов, Н. Г. Липченко, М. М. Муса-
хонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н.
Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Тур-
сунов, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми раисининг ўрин-
босари А. С. Абдали, Республи-
ка Министрлар Совети раисининг
ўринбосари С. О. Азиев ўтири-
шди.

Тожикистон Компартияси Мар-
казий Комитетининг секретари И.
Рахимова, Тожикистон ССР Ми-
нистрлар Совети раисининг ўрин-
босари М. К. Каримова, Тожики-
стон Маданият ва санъат аҳоли-
ларининг ўринбосари М. Н. На-
заровлар ҳам президиумдан жой
олганлар.

Президиум аъзолари орасида
ижодий союзларнинг раҳбарлари,
инқилоб қардош республикаларининг
таъкид адабиёт ва санъат аҳоли-
лари бор.

Кечани Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг секретари
Р. Н. Нишонов очди. Тожик
адабиёти ва санъатининг декадаси,
деди Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон
ва Тожикистоннинг маданияти ва
ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда
муҳим воқеа бўлди, республика-
ларимиз халқлари ўзига ва бошқа
халқларнинг дўстлигини ўрнатди.
Халқларимиз
эгу мақсад — коммунизм танта-
насида Ленин кўрсатган йўлдан
бир сафда бормоқдалар.

Декада Совет ҳоимиятининг
иккинчи 50 йиллиги бошланган
бир пайтда ўтганлиги диққатга са-
зovorдир.

Бизнинг диёримизда ўтказилган
декадада қатнашмоқ учун тожик
адабиёти ва санъатининг энг яхши,
энг талантили маънавиятлари келиб,
қардош тожик халқи социалистик
маданиятини муносиб равишда
таъкидлашнинг мислидан ва ёрқин санъат-
ларининг мислидан миллион-миллион ки-
табхона дилини мафтун қилган-
ликларини учун биз Тожикистон
Коммунистик партияси Марказий
Комитети, Тожикистон ССР Олий
Совети Президиуми ва Министр-
лар Советидан гоят миннатдоримиз.

Р. Н. Нишонов декада қатнаш-
чиларининг Ўзбекистон ишчилари,
колхозчилари, зиёлилари билан ўт-
казган жуда кўп учрашувлари ҳа-

ТОЖИКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ЁПИЛДИ

қид гапирди. Самимий ҳурсанд-
лик ва сидқидиллик вазиятида
ўтган шу учрашувлар меҳнаткаш-
ларимизнинг қалбига ҳузур из
қолдирди.

Ўзбекистондаги тожик адабиёт-
лиги ва санъатининг яна бир
намоиши бўлди. Ленин партияси
барпо этиб, тош-метиндек му-
стаҳкамлаган бу дўстлик бизнинг
энг табаррук, энг қимматли юту-
гимиздир. Дунёда мамлакатимиз
халқларининг дўстлигидан ҳам пи-
шиқроқ ва мустаҳкамроқ куч йў-
л, СССР халқларининг бузилмас
қардошлиги — социализм ва ком-
мунизм қуришдаги тарихий муваф-
фақиятларимизнинг битмас —
туғанмас чашмаси, бундан бунёнги
ғалабаларимизнинг ишончли ра-
волидир. Биз бундан буён ҳам
дўстлигимизни ҳар томонлама ри-
вожлантириб ва мустаҳкамлаб бо-
раверамиз. Бизнинг кучимиз,
қудратимиз, бизнинг бахт-саодати-
миз, улук коммунистик бунёд-
корликнинг битмас-туғанмас бу-
лоғи мана шу дўстликдир.

Р. Н. Нишонов, кўп миллатли
ягона совет оиласида Ўзбек ва то-
жик халқларининг қардошларча
дўстлигини янада мустаҳкамлаш-
га қатта ҳисса қўшган тожик ада-
биёти ва санъати декадасини ўт-
казган вақтда тожик халқи мада-
нияти эришган муваффақиятларини
республика меҳнаткашлари ўрта-
сида пропаганда қилиш соҳасида
қилган ва самаралар ишлари
учун Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиумининг фармонида му-
вофиқ, Тожикистоннинг бир қанча
ижодий коллективлари ва таъкид-
лотлари Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиумининг Фахрий
бўлиғи билан мукофотланганлиги-
ни кеча аҳлининг қарсақлари о-
стида маълум қилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиумининг
раиси Е. С. Насриддинова топши-
рди. Е. С. Насриддинова Ўзбе-
кистон Компартияси Марказий
Комитети, Республика Олий Со-
вети Президиуми ва Министрлар Со-
вети номидан, Ўзбекистоннинг
барча меҳнаткашлари номидан
дўстларни қизғин қўлаб, уларга
ва барча қардош тожик халқига
коммунистик қуришда янгида-
лини муваффақиятлар тийида, му-
жасов тожик маданияти билан уч-
рашувдан олган зўр таассуротлари
ҳақида гапирди. Тожик саҳнаси-
нинг атоқли намоишдаси, СССР
халқ артисти Муҳаммадjon Қо-
симов декада кунларини, Ўзбек
қардошларининг меҳмондўст диёри-
да ўтказган кунларини унутмас
кунлар деб атайди.

Тожикистон Компартияси Мар-
казий Комитетининг секретари
И. Рахимовага сўз берилди. У
Тожикистон Компартияси Марка-
зий Комитети ва республика ҳу-
кумати номидан, декаданинг бар-
ча қатнашчилари номидан Ўзе-

кистон Коммунистик партияси
Марказий Комитети, Ўзбекистон
ССР Олий Совети Президиуми ва
хукумати, бутун Ўзбек халқига
декада кунларини унутмас
ажойиб байрам кунларига айлан-
тириб юборган меҳмондўстлик ва
хушнудлик учун, самимийлик ва
сидқидиллик учун, эзгу ва қар-
дошлик туйғуларини учун, декада
қатнашчилари мукофотланганлиги
учун чин қўнғилдан миннатдорчи-
лик изҳор қилди.

Биз Ўзбекларнинг анъанавий
меҳмон навозлигини азалдан би-
лар эдик, — деди сўзини давом
этитиб И. Рахимова, — лекин
бу сафар биз шу қадар зўр ҳаро-
рат ва самимийлик билан, дил-
кашлик билан қўлиб олиндики,
барча биз ўйлаганимиздан ҳам
ошиб тушди.

Сизлар бизга: «Ўзбеклар уйи —
сизнинг уйингиз, тожик биродар-
лар!» дедингиз. Бу чин сўз эди.
Сизлар бизга қучоқ очиб, пешвоз
чингизингиз, ўзларингизнинг олий
ҳиммати, покisasi, саҳий қалбингиз-
ни олднгиз, бинобарин биз беи-
ҳоя ташаккур ва миннатдорчилик
ҳис-туйғуларига «тўлиб тошган
ҳолда юртимизга жўнаб кетмоқ-
дамиз».

Партияимизнинг ленинча доно
миллий сиёсати қўши остида гул-
лаб-яшнган Совет Ўзбекистони-
нинг ҳозирги порлоқ ҳаёти билан
танишиб, унинг экономикаси ва
маданияти нақадар ажойиб юксак-
ликларга кўтарилганлигини кўриб,
гоят ҳурсанд бўлдик. Сизларнинг
муваффақиятларингизга биз қан-
чалик қувончланган бўлсак, сизлар
ҳам республикамизнинг равақига
шунчалик қувончланганини била-
миз.

Тожикистон вакиллари мада-
ият аҳолилари, ёзувчилар ва шоир-
лар билан, бастакорлар ва расом-
лар билан, кинематографчилар ва
саҳна усталари билан, Ўзбекис-
тоннинг ўзига хос ҳаётбахш санъ-
ати намоишдалари билан учраш-
дилар. Ҳар бир учрашув вақтида
биз маданиятларимизнинг мушта-
рақлигига, фикр ва ўйларимиз-
нинг, меҳнат ва режаларимизнинг
муштараклигига ҳар сафар ишонч
қилиб берибдик. Ижодий ижодий
алоқаларнинг коммунистик миллат-
лар маданиятларини ўзаро бойи-
тиш, уларнинг интернационал не-
ғизини мустаҳкамлаш учун улук
вор адабиятини декада яна бир
қарра янги куч билан кўрсатди.

Биз меҳнатсевар, талантили Ўз-
бек халқига зўр меҳр-муҳаббат
ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини
билан меҳмондўст Ўзбекистон
диёридан жўнаб кетмоқдамиз.
Биз сизлар билан батамом ҳай-
лашаётганимиз йўли! Биз сизлар-
га — тез орада дийдор қўриш-
гунча хайр! демоқдамиз. Тожик-
лар диёрида қўришгунча хайр! То-
жиклар диёри ҳам серқуёш Ўзе-
кистоннинг маданият ҳодимларини
сизларнинг Тожикистондаги дека-
дангиз кунларига тугишган қар-
дошларидек қўлиб олади!

Нутқлар тугайди. Сўнгра саҳна-
да тожиклар диёри гўё сеп ёйиб
қатта концерт бошланади. Кон-
церт тожик халқининг ўз овозли-
ги учун олиб борган кураш йўли-
ни ҳикоя қилувчи адабий-музи-
кали композиция билан бошлана-
ди. Бу композиция Садриддин
Айнининг «Озодлик марши» бил-
лан тугайди. Тожик совет адаби-
ятининг асосчиси Октябрини ана шу
озодлик марши билан қўлаган
эди.

Саҳнада В. И. Ленин билан
В. М. Фрунзе пайдо бўладилар.
Г. Абдуллонинг «Озодлик тоғи»
пьесасидан қўстирилган саҳнада
Тожикистон ССР халқ артисти
Н. Волков билан Тожикистонда
хизмат кўрсатган артист Л. Кар-
неев қатнашдилар.

Доҳийнинг сўзларидан кейин
хор Ленин партиясини шарофлов-
чи қўшиқни улаб кетди.

Қардош республика санъат ус-
таларининг концерти бутуни То-
жикистон тўғрисида бабисоли ма-
роқли ҳикоя бўлди, деб айтиш
мумкин.

С. ФРОЛОВА, Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон Телеграф агент-
лигининг мухбирлари.



ЎЗБЕКИСТОНДА Тожикистон адабиёти ва санъати декадасининг ўтказилиши икки халқ мўйида-
миз, ҳамкасбларининг фикролишувига имкон берди. Суратда: Тожикистон ва Ўзбекистон
расомлари суҳбатлашмоқдалар.



ТОЖИКИСТОНЛИК санъат аҳллари республикамизнинг
колхоз, совхозларида бўлдилар. Концертлар қўйдилар, адабий ке-
чалар ўтказдилар. Суратда: «Қизил Ўзбекистон» колхозда меҳ-
мон бўлган тожик санъаткорлари.

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИЯСИ- НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети ҳузуридаги Марказий
статистика бошқармаси хабар
беради: республика санъати-
нинг ҳодимлари беш йилли-
нинг учинчи йилида олтин
социалистик мажбуриятларини
муддатидан илгари бажариш
учун мусобақани авж олдириб,
махсулотни реализация қилиш
ва бўлмаларини кўпгина энг
муҳим турларини ишлаб чиқар-
иш юзасидан беш ойлик план-
ни муддатидан илгари, 29 май-
да бажардилар.

(ЎЗАТ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Германия Демократик Рес-
публикаси партия-ҳукумат де-
легациясининг аъзолари КПСС
Марказий Комитети ва Со-
вет ҳукуматининг тақдифига
биноан, 29 майда Москвада
келдилар. Совет Иттифодида
дам олаётган Германия Биро-
лашган социалистик партияда
Марказий Комитетининг бирин-
чи секретари, Германия Демок-
ратик Республикаси Давлат
Кенгашининг раиси Валтер
Ульбрихт делегацияга бошчи-
лик қилмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 30 МАЙГАЧА БЎЛГАН МА Ё Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Маъсум бошида бери
Бекобод	—	94.9
Калинин	4.7	9.4
Янгийул	1.4	1.4
Бўқа	—	0.3
Оржоникидзе	—	0.1
Оқдўғрон	0.06	0.1
Эрта Чирчиқ	—	—
Юкори Чирчиқ	—	—
Область бўйича	1.0	9.4

БЕКОБОД ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Район пиллачилари об-ҳаво
қийинчиликларини мардонавор
егиб ҳар йили ҳам пилладан
кўпроқ ҳосил етиштириш йўли-
да астойдил курашадилар. Ут-
ган йил район хўжаликлари
давлатга 121 тонна пилла топ-
шириш бу соҳадан планни
116 процент қилиб адо этган
эдилар.

Пиллачилар бу йил ҳам янги
марраларни кўлга кiritиш йў-
лида астойдил меҳнат қилди-

лар. Илгорлар тажрибаси кенг
қўлланылди, туг барги танқис-
лигидаги камчилликлар мардо-
навор енгилди. Оқибатда район
областимизда биринчи бўлиб
пилла тайёрлаш планини му-
ваффақиятли бажарди. Давлат
омборларига 107 тоннадан зи-
ёдроқ қимматли юмаше тўки-
ди. Пилла тайёрлаш ва дав-
латга топширишда Ленин но-
ми, «Победа», Навоий номи,
«Коммунизм» колхозларининг

аъзолари муносиб ҳисса қўш-
дилар. Ленин номи колхоз-
нинг Қудрат Қурбонов, Навоий
номи колхозининг Боймурод
Абдураулов ўртоқлар раҳбар-
лик қилган бригадаларида ай-
ниқса пилладан кўп ҳосил олин-
ди. Ленин номи колхозининг
Гулбуви Ҳасрова бошлиқ эве-
нос аъзолари ҳар кун уруғ-
дан 58 ўринга 96 килограмм-
дан, Ҳамас Ҳасинова бош-
лиқ эвенос аъзолари эса 20

грамм пилладан 105 кило-
граммдан ҳосил топшириб кат-
та ютуқни қўлга кiritдилар.
Бундай нешадам пиллачилар
районда кўп.

Райондаги колхоз ва совхоз-
ларининг пиллачилари эриш-
ган дастлабки ютуқларини му-
стаҳкамлаб олганга социали-
стик мажбурият ҳисобига қў-
шимча пилла топширишни қиз-
ғин давом эттирмоқдалар.

ГАЗЛАМАДА ГУЛЗОР

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

Мирзо ТУРСУНЗОДА

ОНАМ

Еш қолдим, онажоним, гул юзинг ёнимда йўқ,
Бую бағнинг, қоматинг, қошу-қўшинг ёнимда йўқ,
Кўча-кўчалардан, ошпақлардан сўроқларим сени,
Онажон, шу кўнгалча босган ёним ёнимда йўқ.
Қишлоғимда ҳар қария онадан сўраб бориб,
Сўзлашиб қабрини тошила, кўзимга сурдим бориб,
Хар дарахнинг шоҳига, ҳаттоки, мен солдим қулоқ,
Даштларда майсаларга юзма-юз турдим бориб.
Сой десам, сой айтдимки, ул суларинг ичган эди,
Тоғ десам, умри, деди тоғ, мен билан кетган эди.
Ўза айтдимки, матойимдан либос бичган эди,
Доя дерди, мол соғиб мен бирла сут ичган эди.
Дерди чашма: ул келарди бошида кўза билан,
Ранжитиб эрдим ойига кириб, дерди тикан.
Дерди чакмоқ, кўзларинг мендан қочирган доимо,
Ингламоқликда, будут дердик, менга ўхшаган.
Унга аччиқроқ эди бол ҳам заҳардан доимо,
Хам шарнат, хам тариқат бошида эрди бало,
Онажонинг ҳақида сўзласак, хуллас калом,
Дунёда эрди гариб, бечора, ҳам бирла ало.
Қишлоғимда бир улғу юз ёшлик кампир бор эди,
Онажонинг хўб гўзал, гулча лаби холдор, деди —
Кўнгалча, азулғи занжир, қомати бир навиҳол,
Мулла тар берса савол, унга ёмон азор эди.
Мен юрарман кетма-кет, онажон, ёним билан,
Доимо ёнимда дўсту, ёрлар бирла ватав.
Онажоним, то абад меҳрини қалбимга қўшиб,
Ёгор этгум унинг устига ашқоримин ман.
Онажон, ёним биландир менга қишлоғим азиз,
Нуқра сой, феруза осмон, барра ўтлоғим азиз,
Ҳамда мактаб томи ўра-лола байроғим азиз,
Хар замондошим меним-чун, дўсту ўртоғим азиз.
Шеър айтсам, онажонимдан келур гўё индо,
Қишлоғим, десам келур она ҳаёли доимо.
Келса дуч ҳар кекса хотин кўча-кўчаларда менга,
Дерман унга: бўл онам то ўлгунимга мулқо!

НАЗАРМАТ таржимаси.

Қани айтнинг, дўстларим, нимада сеҳри —
Ҳамма учун севишли, қадрдон Ленин
Ўзоқлашиб бораркан тарихан, бироқ
Дунё ҳодисаларин илмай назарга —
Қонуларни олдида чекимай зарра,
Борган сари юксалар, бўлар улғурроқ!
Тоғлар борки ҳайбат-ла кўкка бўй қўзган —
Олис-олислардан ҳам ташлавар кўла.
Аммо, дўстим, йўл юрсанг, гоёт мўла
Юрсанг,
Сўнгра оҳиста ортаги нигоҳинг бурсанг,
Шундай буюк тоғлар ҳам кўринмай кетар.

Хотирангга тасвири йўқолиб битар.
Тарих саҳни дастурхон — мўлақадир,
Эззоз,
Барча асрлар унда қолади муштоқ,
Аммо, фақат бир соат ўтса кифоя —
Ҳаммасига ташлар вақт қон-қора соя,
Эътибордан тўшадил келганда пайти,
Қўрмайсан ҳеч мўжиза тикилсанг қайтиб.
Дунёда сон-саносиз буюк одамлар —
Баланд-баланд тоғлардай аниқ намоён.
Лекин ўтиб ордан муайян дамлар,

Чексиз йўллар ғубори, чангида қолиб,
Масофалар тўзони кира йўқолиб,
Хотирлардан ўчади улар бегунон,
Аммо Ленин!
Дилларда қўшибдир меҳри!
Ҳамма учун севишли, қадрдон сиймо,
Ўзоқлашиб бораркан тарихан, бироқ,
Дунё ҳодисаларин илмай назарга, —
Қонуларни олдида чекимай зарра,
Борган сари юксалар, бўлар улғурроқ!
Ҳамма ЖАМОЛ таржимаси.

Убайд РАҲАБ

ШИКОЯТИМ ЙЎҚ

Шикоят қилмайман бахтимдан ҳаргиз,
Ватанимга аскар бўлмамдан деб,
Она юрт бошига мушкул келган кез
Жағларда жон фидо қилмамдан деб.
Йўқ, афсус қилмайман, неча шаҳарлар,
Қишлоқлар бўлди деб меннингсиз бино,
Менингсиз бўлди илк бор кўкка сафарлар,
Менингсиз забот этилди фазовий дунё.
Йўқ, афсус қилмайман, ёруғ дунёга
Не учун шунчалар кеч келдим, деман.
Ахир, бир қўлжада китоб-у, қалам,

Қалбим қулоқ тутмас ўзга садага.
Шикоят қилмайман бахтимдан ҳеч вақт,
Хар кимнинг ўз умри, ўз замони бор.
Хаттоки куз фасли бағр тўккан дарахт
Яшил либос кияр баҳорда такрор.
Сўқмоққа бир одам из солар, лекин
Қўнлар қатнама сабурум сўқмоқ.
Биров йўл сўнгига етмаси мумкин,
Аммо, насиб бўлар бировга етмоқ.
Гўё тоғ фотиҳи зафар байроғин
Бир чўқин устига қилганда маҳкам,

Ўзга бир чўқининг асрий жумбоғин,
Ечмоққа ўзгалар қўяди қалам.
Мен буқун дунёга келибман, деман,
Кимга интиҳоман, кимга ибтидо.
Қатраман, уммондан қатраман деман,
Зиёман, қўшдан бир тутам зин.
Мушкул соатларда она юрт учун
Жон фидо этганлар мангулик азиз,
Умрим улар умри давоми буқун,
Шикоят қилмайман, бахтимдан ҳаргиз.
Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.

М. ҲАКИМОВА

Боки РАҲИМЗОДА

МАРҲАБО БАҲОР ИЖОД ГУЛШАНИ

Марҳабо, хуш келибсан, эй навбахор
Дилрабо!
Тоғларимда гул лола, боғларимда хуш
Ҳаво.
Ҳаёт сувинг даламга, гулзорга оқар равон,
Гулшанимда ўйноқлар, сир-сари боди-сабо.
Олам узра таралиш зар офтобнинг
Марҳабо!
Қолхозимга қўт келди, тўйларимга хуш
Наво.
Ҳазадарим сағрда кўйлар севги, вафо.
Муҳаббат машқидир ҳар тоғ
Қўлларда сато,
Жаҳонда тенгсиз гўзал — қўшнингидай
Дилрабо,
Соҳибжамол юртимга хуш келибсан,
Марҳабо!
Эътибор ОХУНОВА таржимаси.

Кремль кучоғидан жаҳон бўйлаб таралар
Тожикиларнинг жарангли ёқимдан савту сози.
Дилрабо куй-қўшқидан кекса-ю ёш
Завқлар,
Шогирдларинг имтиҳон қилар санъат
Устози.
Дилбар баҳор келтирди халқимиз
Истеъдоди.
Чаманин қушф урдирди унинг сўғини ижоди,
Диёрим мисли қўшқ, санъатидир
Афсуслар,
Булоқлари Лайлодек куйлаб оқар хўп
Дилбар,
Иланинги ҳар фасли соз, келса ҳамки
Нозил гар,
Тоғларинг жилғалари товланишга
Мисли зар.

Машҳур «Отелло» асарини тожик санъаткорлари муваффақиятли сахналаштирдилар. Бу опера республикамизда ўтказилаётган декада кўнралида намоён этилди. Суратда: Касно ролида Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Я. Галлоб.
И. Дўшнин ва Р. Шамсуддинов фотолари, (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

Тожикистон ССР ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси кўнрали республика меҳнаткашлари ўртасида тожик халқи маданият ютуқларини пропаганда қилишда катта ва самарали иш, кўп миллатли ягона совет оиласида ўзбек ва тожик халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги учун куйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин:

Тожикистон ССР Маданият министри
Тожикистон ССР Министрлар Советининг кинематография комитети
Тожикистон ССР Министрлар Советининг Матбуот комитети
Тожикистон ССР Министрлар

Советининг Радио эшиттириш ва телевидение комитети
Тожикистон Ёзувчилар союзи
Тожикистон Рассомлар союзи
Тожикистон Композиторлар союзи
Тожикистон кинематографистлар союзи
Тожикистон театр жамаияти
Тожикистон ССР «Билим» жамаияти
С. Айнӣ номидаги Ленин ордени Тожикистон давлат опера ва балет театри
А. Руданий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени тожик давлат филармонияси
Тожикистон Телеграф агентлиги.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ

1968 йил, 30 май. Тошкент шаҳри.



КАЛИНИН районидagi пиллачилик пунктида янги ҳосилни қабул қилиш қизғин тус олди. Суратда: ишчилардан Зебо Пулатбекова, Куйдуз Раҳимова ўртоқлар қабул қилинган пиллачи сотлар-га ажратмоқдалар. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

Чимкент область Сарноғот районидagi «Красный Восток» колхозин билан Ингитўл районидagi «Ленинизм» колхозин аъзолари бир неча йилдан бери мусобақалашиб келадилар.

Икки ўртадаги қардошлик мусобақаси ҳар йилда ҳужайда деҳқончилигини ва чорвачилигини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Ёш кўнлар бу мусобақалашувлар бир-бирларининг далаларида, фермаларида бўлиб, ютуқ ва камчиликларини аниқлашда ёрдам беришади.

Яқинда биз «Красный Восток» колхозининг раиси Орифхон Оқбергидан билан сўхбатладик. У бу йилги обихава ўзбек пахтакорларини сингари қозоқ пахтакорларини учун ҳам нуқул келганлиги, шунга қарамай дала ишлари тадбиркорлиги билан амалга оширилгани, чингит экиш муваффақиятли туғаллангани ҳақида сўзлаб берди.

Ахдига вафодор пахтакор ва меҳнатзотларлар саросимага тушмай, барча дала-

ларда чигитини текис ундириб олдилар ва гўза парваришини намунали ўтказиш учун курашмоқдалар. Бу соҳада Асанбой Тешабоев, Элебай Бектурганов, Ойил Асалов, Жаффар Айдаров ўртоқлар бошлик бригада аъзолари фидокорлик кўрсатдилар. Гектардан 30—35 центнердан пахта ештиришни мажбурийятини олган бу бригадалар шу кўнларда гўзалар соғлом ва бақувват бўлиб ривожланимоқда.

Ўза парвариши қизғин тус олган ҳозирги пайтда ишчан меҳнатзотлардан Т. Каленков, А. Абдулқоликов, Н. Султонов каби ўртоқлар техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, қолхозчилар ҳурматиға сазовор бўлмоқдалар. Улар гўзаларини узунасига ва кўндалангига ишлашда сифатга алоҳида эътибор беришмоқдалар. Ёш гўзалар нобуд бўлмаслиги, қаторлар майин қилиб юшатилиши йўлда яхши ишламоқдалар.

«Красный Восток» колхозин билан мусобақадон Янгитўлда-

ги «Ленинизм» колхозини дала-ларда ҳам меҳнат авжиди. Улар чигитини биринчилар қатори экиб олганларидан кейин, афсуски, табиий офатлар бўлиб энди унинг келатган гўзалар айрим майдонларда касалликка чалинди. Аммо табиий қийинчиликлар колхозчиларнинг иродасини буқолмади. Ҳар бир звероининг аъзоси ўз пайкалин-даги гўза атрофида парвона бўлди. Гектарларда белгилан-ган миқдорда кўчат бўлиши учун курашди. Ёш экинни вақтида култивация қилиш, ўғит-лаш ва суғоришга алоҳида эъти-бор берилди. Шу кўнларда колхоз дала-ларида бўлсангиз, яшнаб ривожланиётган гўзалар-ни кўриб пахтакорлар меҳнати-га таҳсинлар ўқийсиз.

Икки қардош — ўзбек ва қозоқ пахтакорлари бу йил она-Ватан олдида қардор бўлиб қолмайдилар. Хўжаликдаги иш-лар ана шу халқларнинг фидо-корлиғидан, ўз касбига муха-батидан далолат бериб турибди.

Х. МУҚИМОВ.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ КҮНЛАРИ

ПРАГА, 29 май. (ТАСС). Нева Братислава маданият ва истироҳат боғининг байрамона безатилган катта залида Украина Совет Социалистик Республикасининг маданият ва санъат кўнлари тантанали вазиятда очилди.

Тантаналарда Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Я. Янни ва Словакиянинг бошқа раҳбар аъзолари, Чехословакия-Совет дўстлиги иттифоқи Марказий Комитетининг раиси

З. Фирлингер, КПСС Марказий Комитетининг Сибирь Бюроси аъзо-лигига кандидат, Украина ССР Министрлар Советининг раиси В. В. Шчербицкий, Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Т. Трошкун бошлик Украина ССРнинг байрамда қатнашувчи расмий делегацияси, Совет Иттифожининг Чехословакиядаги элчиси С. В. Черво-неко иштирок этидилар.

Украина маданияти кўнлари вақтида Прага, Братислава, Брно, Острава ҳамда мамлакат-нинг бошқа шаҳар ва қишлоқ-

Франция компартия-сининг сафлари ўсиб бормоқда

ПАРИЖ, 29 май. (ТАСС). Сўнгги ҳафтада Франция Коммунистик партиясининг Франция-нинг неча мингтаб меҳнаткашлари аъзо бўлиб кирди. Улар бу билан ҳозирги кескин соци-ал курашлар вақтида партия сиёсатида иштирокчиларни ва унинг қўллаб-қувватлаётганликлари-ни намоён қилишмоқдалар.

Бун-Дю-Рон департаменти-нинг ўзидаги Франция Компартия-сининг 900 киши аъзо бў-либ кирди. Бу департаментда ҳар кун коммунистлар сафида ўрта ҳисобда 100 кишидан ян-ги партия аъзолари пайдо бўл-моқда. О-Ле-Сен департаменти-да Франция Компартиясининг 720 киши кирди; Сена-Сен-Дени департаментида 550 киши; Нор департаментида 250 киши; Валь-де-Мар департаментида 370 киши аъзо бўлиб кирди.

Партия ташкилотлари бўлма-ган, қўлғина қорқонлар, муас-сасаларда янги аъзолар ту-зилмоқда. Масалан, Марселда ва унга ёндош районда сўнгги ҳафта ичида Франция Компар-тиясининг бешта янги аълока-си тузилди. Сена-Сен-Дени департаментида 5 янги аълока, Эссонна департаментида эса 3 та янги аълока пайдо бўлди.

«Юманите» газетиси бугунги сонда Франция Компартияси сафига завод меҳнаткашлари, ишчилар, хизматчилар, техник-лар киратганлигини ва улар-нинг қўлчилиги ёшлар оқанли-гини ёздади.

ФРАНЦУЗ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПАРИЖ, 27 май. ТАСС мухбир-лари А. Криснон ва Ю. Понома-рев хабар беришди:

Хукумат ва корхона эгалари вакиллари билан мамлакатдаги касба союзулари вакиллари ўр-тасида ўтказилган бугунги учра-шувдан кейин меҳнаткашларнинг асосий талабларини қондириш тўғрисида дастлабки битимга келинди.

Бу битим, деди умуммеҳнат кон-федерациясининг бosh секретари Ж. Сегн, меҳнаткашларнинг та-лабларини «гарчи тўла бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда қисман қондира-ди». Хукумат ва корхона эгалари шу вағтада меҳнаткашларнинг талабларини назар-писанд қилмай

меҳнаткашлар, Ж. Сегн касба союзулари меҳнаткашлар билан маслаҳатлашгандан кейинги на-қатий жаноб беражасларини билдириб, бундай деди: ана шу битимларнинг аҳамиятини камсир-тиб бўлмайди, аммо «ҳали кўп нарсани қўлга киритиш керак».

Касба союзи ташкилотларининг музокара-ларида қатнашган бошқа раҳбарлар ҳам меҳнаткашлар курашининг дастлабки натижа-ларидан мамнун эъланларини айт-дилар.

Битим иш ҳақининг гарантия-ланган минимумини соатига 2,22 франкдан 3 франккача ошири-ши, реал иш ҳақини аста-секин ошира боришни қўла тутди. Иш ҳақ-фасини аста-секин қисқарти-риш, корхона касба союзи таш-килотларининг ҳуқуқларини кенгай-тириш, қариганда берилганган пенсия миқдорини кўпайтириш ва пенсия ешини қисқартириш тўғрисида, кўп болали оилаларга берилган нафақа миқдорини ошириш тўғрисида нарор қабул қилинди. Франциядаги корхона эгаларининг Миллий Кенгаши ва касба союзулари ишчилар проблемасини муҳомаа қилмоқ учун 1 октябрга учрашув тўғрисида келишиб олдилар.

Бosh министр Ж. Помпиду соци-ал страхование соҳаданги фав-қулда қўнлар тўғрисидаги масала парламентнинг бугунги сессиясида муҳомаа қилинади, деб ваъда берди. Француз меҳ-наткашлари ана шу фавқулдада қўнларга қарши қимқондилар, Помпиду музокара-ларининг қат-нашчилари меҳнаткашларга забас-товна қўнлар учун ҳақ тўлаш тўғрисида асосан келишиб олди-лар, деди.

23 майда бошланган ва бугун

саҳар пайтида тамом бўлган му-зокара-ларида Bosh министр Ж. Пом-пиду, корхона эгаларининг вакил-лари, Франциядаги асосий касба союзу марказларининг раҳбарлари, шу жумладан Б. Фашон ва Ж. Сегн (Умуммеҳнат конфедерация-си), Э. Делан (Франция демократ-тик меҳнат конфедерацияси), Бержерон («Форс Уэриер»), Ж. Марани (Миллий маориф қоним-лари федерацияси) ва бошқалар қатнашдилар.

Музокара-лар иш ташлаш ҳара-кати гоёт кучайиб кетган бир ва-зиятда ўтди. Бу ҳаракатда 70 миллион меҳнаткаш қатнашмоқда. Касба союзулари ҳозирги вақтда битим тексини меҳнаткашлар коллективларининг муҳомаа-сига қўймоқдалар. Муҳомаа тамом бўлганидан кейингида битим иш-га киради.

Музокара-лар вақтида санъат-нинг хусусий секторидagi ишчи-ларнинг талабларини национали-зация қилинган секторга таваллу-ди проблемалар билан боғламай муҳомаа қилиш йўлида уриниш-лар бўлди. Аммо, Умуммеҳнат конфедерацияси ва бошқа касба союзу марказларининг вакиллари меҳнаткашларнинг бир-биридан афратиб юборилишига йўл қўй-майми ва умуман низоли масала-ларнинг ҳаммаси ҳал этилганидан кейинги иш бошлаш тўғрисида буйруқ берман, дедилар.

Бугун Министрлар Кенгашининг мажлиси ўтказилди. Bosh ми-нистр Ж. Помпиду бу мажлисда ўз иштироки билан ўтказилган музокара-ларнинг натижалари тў-ғрисида ахборот берди.

Франциядаги корхона эгалари Миллий Кенгаши раҳбар орган-ларининг мажлиси ҳам ўтказила-ди.

НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

БОНН, 29 май. (ТАСС). Ке-ча Мюнхен, Франкфурт-Майн, Ганновер, Гельзенкирхен ша-ҳарлари ва ГАРбий Германия-даги бошқа-бир қанча шаҳар-лар фавқулдада қўнлар қа-бул қилинишига қарши норози-лик намоёншларни ўтказилган жой бўлиб қолди. Фавқулдада қўнлар бугун ва эртага Гер-мания Федератив Республикаси парламентидида сўнгги, учинчи бор ўқиб муҳомаа қилинади.

Мюнхенда ўтган норозилик намоёнлишида қатнашган 10 мингга яқин киши Бундестаг депутатлари диктаторлик қў-нларини тасдиқлашнинг рад этишларини талаб қилидилар.

Химия санъати ходимлари ка-сба союзининг раиси Гельфел-лер Ганноверда бўлган митинг-да нутқ сўзлаб, фавқулдада қўнлар ГАРбий Германияда расмий сиёсатга нисбатан аъ-райиб бораётган норозиликни йўқота олмайд, деди.

Маъжур митинг қатнашчилар-и қабул қилган резолюцияда фавқулдада қўнлар қабул қилиш ўрнига кескинликни юм-шатиш ва қуролсизланиш, соци-ал ислохотлар ва демократия сиёсати ўтказилиши талаб қи-линади.

ОТИШМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

АММОН, 29 май. (ТАСС). Бугун Эрталаб Исроил қўн-лар Исроил билан Иордания ўртасида ўч очилиш тўхтатиш тўғрисидаги битимини ана буз-

даниа позицияларига қарата пуленётлардан ўт очганлар. Отишма бир соатдан ортга да-вом этган. Иордания томони талафот кўрмаган.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ УСТОЗШИФОКОР

Олим ҳузуридан одам ари майда. Хали у, нажот сурба келган кишиларга керакли маслаҳатлар беради, ҳали аудиторияда бўлажак ҳамкасбларига лекция ўқийди, ҳали бўлгуси олим шоғирдининг илмий ишини кўриб чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

Врачлик меҳнати ўзи шунанки: Устани деб ўзини унутади. Лекин Сайфи ака ана шу касбни танлаганидан бехад мамун. Ҳар тонг уни Тошкент Давлат медицина институтига йўл олаётган бир вақтда учратасиз. Йўл йўлакчи ёнига келиб қўйилган шоғирларни кураётган Сайфи ака чекрасида гулгун шодлик ҳисси борадиган. Шундай пайтлари киши ўз қабида пайдо бўлган қувонч сабабини эслайди. Кўз олдидан

халқ йўли бир-бир ўта бошлайди. Ушанда у 7-8 ёшларда эди. Бевақт келган ўлим аш Сайфини ота меҳридан жудо қилди. У Наманган болалар уйда тарбия топди. Ёшлигидан билимга чанқок бўлиб ўсган Сайфи Урта Осиё Давлат университетининг медицина факультетига ўқишга кирди. Унинг ўтқир заҳни, меҳнатига алоҳида муҳаббати билан тенқуларидан ажралиб турарди.

Сайфи ўша йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори профессор Р. С. Гершеневич билан илк бор танишди.

— Илм-фан дарёсида дедил суз ўқим. Албатта, кўзлаган манзилга етасан,—деди илҳомлантирган эди ушанда унинг устоз.

Сайфи ўз устозининг бу ҳик-

матли сўзларини ёдида тутди. Унга амал қилди. Университетни имтиҳонли диплом билан тугатган эш шифокори болалар касаллиги кафедрасида олиб қоллиди. Р. С. Гершеневич Сайфининг илмий ишига раҳбарлик қилди. Шу кундан бошлаб Сайфи ҳаётида машаққатли ишларни, бедор тунлар бошланди. Ижодий сермашқат илмий меҳнат кейинчалик ўз самарасини берди.

«Дизинтерия ва колит касаллигида қўйилган қоннинг таъсири» деган темада муаффақиятли диссертация ёзган Сайфи Шамсиев фаннинг яна янги чўққисини сари иттиди.

«Юрак—ҳаёт! Юракни ёшликдан жуда эҳтиёт қилиш керак. уни касалликлардан асраш, даволаш лозим» деб таълим беради

педиаторлар отахони, СССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Н. Спирский.

Кўпдан юрак касаллигини проблемаси устида тадқиқот ишларини олиб боришни қўлига туғиб юрган эш кўпдан олим Шамсиев шу соҳани ўрганиш ниятида Спирскийга шоғирд тушди.

1951 йилнинг айтин ёзи эди. Москва педиатрия институтига кўтлов телеграммалари ёғилиб кетди. Сайфи Шамсиев «Болаларнинг юрагига дигиталистининг таъсири» деган темада докторлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Ҳа, у фанда янгилик яратди: Болалар юрак касаллиги белгиларини аниқлаш ва унинг олдини олиш, даволаш каби проблемаларни ишлаб чиқди. Болалар

юрак касаллигини қандай аниқлаш лозим, ва қанча миқдорда дасри бериш кераклигини узи кесил ҳал қилди.

Мана 16 йилдирки, профессор Сайфи Шамсиев Тошкент Давлат медицина институтининг «Болалар касаллиги профдефектиси» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Олим кейинги 16 йил ижодий ишда 50 дан ортиқ илмий иш ва монографиялар ёзди. Педиаторларнинг жаҳон конгрессларида қатнашиб, совет фани ва медицинаси ютуқларини тегриб қилди.

Олим жаҳон бўйича чиқарилган «Болалар касаллиги тўғрисидаги қўлланманинг 3-томидан бутун бир боби ёзиб берди. Унда болалар юрак касаллиги тўғрисида

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)
17.55 — Кўрсатишлар программаси.
Рус тилида: 18.00 — Қўшиғимиз янгрисин, 18.30 — Телеигилимлар, 18.45 — Реклама ва эълонлар, 18.55 — Музикали налендар, 19.40 — Кўрсатишлар программаси.
Ўзбек тилида: 19.45 — Ёрқин ҳаёт (тележурнал), 20.50 — Телеигилимлар, 21.05 — Ота-оналар университети, 21.45 — Телефильм, 22.05 — Навоий гулшани.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)
13.00 дан — Москва нўрсатади, ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ.
Ўзбек тилида: 18.00 — Иншоини қандай ёзиш керак? (олий ўқув юртиларига киргувчилар учун), 18.30 — Математикдан машғуллот, 19.30 — Телефильм.
20.00 дан — Москва нўрсатади, УЧИНЧИ ПРОГРАММА (9-канал)
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Илмий-оммабоп фильм (рус тилида).
Ўзбек тилида: 20.10 — Тафаккур илҳомини (телефильм).
Рус тилида: 20.25 — Техника таракқийоти кузгуси (илмий-оммабоп фильм), 20.45 — Тўрдаги застав (бадний фильм).

ТЕАТР

МУКМИЯ НОМИ ТЕАТРА — 31/у да Умий уйлантириш, 1/у да Кулги нечаси.

КИНО

КИШКИ БИНОДА
Рад этиш — «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).
Италиянча уйрилиш — «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).
Ўзбек тилида: «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).
Яхши мойлашибсан — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун).
Анна Каренина — «ДРУЖБА» (ортавлат соат 11, кундуз 1.40 ми. кунда, 5 да ва кеч 7 яримда).
ЕЗГИ БИНОДА
(Кеч соат 8.45 минутада ва 10 яримда бошланади)
Шарқ йўлиги — «РАКЕТА».
Энг узун тун — НАВОЙИ НОМИ, Италиянча уйрилиш — «ФЕСТИВАЛЬ».
Рад этиш — «ХИВА».

МУКМИЯ НОМИ ТЕАТРИНИНГ

ЕЗГИ БИНОСИДА

1 июнда

КУЛГИ НЕЧАСИ

театр репертуаридаги музикали комедиялардан саҳналашган.
ТОШБОЛТА ОШИҚ, ЖОН ҚИЗЛАР, ГАВҲАРИ ШАМЧИРОҚ, ЗАРАФШОН ҚИЗИ, УҒЛИ УЙЛАНТИРИШ, ИККИ БИЛАҒУЗУК.

Катнашчилар: СССР халқ артисти — Лутфином САРИМҚОҶОВА; Ўзбекистон ССР халқ артисти — Турсунхон ЖАҒҒАРОВА, Э.Э.Ибодилло, Ф.А.Фаро, Г.А.РАҲМАТОВА, Абдурауф БОЛТАЕВ, Махмудхон ҒОҒУРОВ, Соҳиб ХУҲАЕВ, Ҳамза УМАРОВ.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар — Сурмадон АЛИЕВА, Омидахон ФА.ЕЗОВА, Тамара НАЗАРОВА, Бахтиёр ИХТИЕРОВ, Рихсиб ШОКИРОВ, Сурат ПУЛАТОВ.

Артистлар — Гулсара ЕКУБОВА, Марям КАРИМОВА, Рахшон ТУРАЕВА, Наниа ИСОҚОВА, Турсунхон МАМЕДОВА, Адиба МИРЗАЕВА, Ҳадиса АЛИМАРДОНОВА, Файзулла АҲМЕДОВ, Тolibонхон БАДИНОВ, Собирхон РАҲИМЖОНОВ, Хусан ШАРИПОВ, Сотиболди ЯУЛДОШЕВ ва бошқалар қатнашади.

Кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

РЕСПУБЛИКА «ГASTPOM» КОНТОРАСИГА

сотувчилар, нассирлар, шоғирлар, ишчилар, фарошлар (Тошкент шаҳар мағазиналари).

КЕРАК

8-10 синф ҳажмида маълумотин 16 дан 24 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Мурунчаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорам қўчаси, 25-уй, наслар бўлими. Телефон В.3-42-03.



«ПОЛИТОТДЕЛ» БИРИНЧИ ҲРИНДА

«Политотдел» колхозни футболчилари 29 май кунини Қарағанди шаҳрида маҳаллий «Шахтёр» командаси билан мусобақалашди. Области миз вакиллари бу ерда ҳам муваффақиятга йўналди, рақибларини 2:0 ҳисобида енгилди. Кетма-кет қозонилган уч галаба «Политотдел»га туркир жадвалининг биринчи ўрнида мустақамлашиб қоллиш имконини берди. Ҳозир колхоз футболчилари ун ўйиндан сўнг 14 очко тўпладилар.

Шу кун республикамиздан қатнашган бошқа икки команда — «Зарафшон» ва «Нефтчи»нинг омади келмади. Навоийликлар Омск шаҳрида туркир пешқадамлардан бири «Иртиш» футболчиларига 0:3 ҳисобида ютқаздилар. Фарғоналиклар эса ўз майдонда «Восток» (Ўст-Казахонгорск) командасидан 0:1 ҳисобида енгилдилар. Бошқа ўйин натижалари қуйидагилар: СКА (Новосибирск) — «Спартак» — 1:1, «Энергетик» — «Металлург» — 2:0, «Помир» — «Олга» — 1:0, СКА (Чита) — СКА (Хабаровск) — 1:0, «Рассвет» — «Кузбасс» — 5:1, «Аэрофлот» — «Темп» — 1:0.

ОЛИМПИАДА УМИДИ

Эртага Чехословакиянинг Острава шаҳрида СССР терма командаси футболчилари Чехословакия олимпиадачилари билан жавоб учрашуви ўтказиладилар. Мексикага йўлланма берувчи бу ўйинни Тошкент вақти билан кеч соат 21 дан 55 минут ўтганда телевидор орқали кўриш мумкин. Ватандошларимиз бу ердан Италияга йўл оладилар. Маълумки, 5 июнда Неаполда улар Европа чемпионлигининг ярим финал мусобақасида мамлакат терма командаси билан беллашадилар. Бу масъулиятли сафарга



ТОШКЕНТДА республикамиз олий ўқув юртилари студентларининг енгил атлетика биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Суратда: югурувчилар 800 метрга бўлган пойгада.

Д. Михайлов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

ХУРМАТЛИ ЭРТОҚЛАР!
ИЮНЬ ОИИДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БУЛГАН КҮП ГАЗЕТАХОНЛАРИНИНГ ОБУНА МУДЛАТИ ТУГАЙДИ. ГАЗЕТАМИЗИН ИЛИНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМИДА ХАМ МУНТАЗАМ ОЛИБ ТУРИШ УЧУН ИШ ВА УКИШ ЖОИНИНГИЗДАГИ ЖАМОАТИНИ ОБУНАЧИЛАРГА, «СОЮЗПЕЧАТ»НИНГ ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИГА ВА АГЕНТЛИКЛАРИГА, ШУНИНГДЕК «ПОЧТАМ» ВА АЛОҲА БУЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, ОБУНА БУЛИШНИНГ МУМКИНИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БУЛИШНИ НУТУМАН!

ПАХТАКОРЛАР САРОЙИ

Тошкентда пахтакорлар саройи қуришга қарор қилинди. Бу сарой қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилувиш марказ, республика, иттифок ва халқаро илмий, илмий-ишлаб чиқариш конференциялари, кенгашлар, симпозиумлар ўтказиладиган жой, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг иш малакасини оширишни таъминлаш, эътибор жой бўлиб қолади. Қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти, жамоатчилик асосидаги колхоз ва совхозлар тарихи институти ва бошқа ташкилотлар шу ерда асосланади.

Сарой комплексига икки мажлислар зали, лекция зали, катта кироатхонаси ҳамда аспирантлар ишлайдиган кабинетлари бўлган марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги музейи, меҳмонхона ва бошқа хизмат бинолари киради.

Республика министрликлари ва идоралари вакилларида иборат пахтакорлар саройини қуриш комитети тузилди. (ЎзТАГ).



МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

— Улув бобомиз, тентсиз ақл-заковат соҳиби, мутафаккир-доншманд Алишер Навоийнинг муборак номи ақл-дарок, донолик, аҳлиқил ва юксак гуманизм тисоли сифатида ҳаммамиз учун қадри, муътабардир, — деди филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов.

Нотин шу йил сентябрь ойида ўтказиладиган Навоий юбилейига тайёргарликнинг бориши, амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида, дўст Афғонистонга қилган сафари тўғрисида ўқувчиларга гапириб берди.

Шоир Миртемир, филология фанлари доктори драматург Изаат Султонов, ўзбек совет адабиётининг тўғри вакилларида Раҳмат Мажидийлар сўзга чиқдилар.

Шундан кейин М. Сиддиқов

ва, М. Илёсова, М. Раҳматуллаевлар Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида доқлад қилдилар. Доқладлар орасида Алишер Навоийнинг газал ва рубоийлари, туюқ ва ҳикматли сўзлари, «Фарҳод ва Ширин» достонидан дўстлик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик, ялмухурият эгаллашга қарувчи парчалар ёд қилиди.

Конференциянинг иккинчи қисмида Ўйғун ва Изаат Султоновларнинг «Алишер Навоий» драмасидан парчалар намоиш этилди.

Тошкентдаги 40-ўрта мактабнинг педагогик коллективи ва ўқувчилари кучи билан ўтказилган мажмур конференция кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

И С Н О Д

Эрта билан дарсга шошилишиб кетишган ўқувчи болалар кўча сураётган учтўрт киши орасида ўз ўқитувчиларини кўриб ҳайрон қилишди.

— Ие, бу қанақаси, — деди ўқувчилардан бири, — домлаиш нега бугун дарсга бормай, кўча сураётган юрибдилар?

Болалар ўқитувчилари ёнига қийроқ бориб, салом беришган эди, у саломга алик олиш ўрнига ердан кўзини узмай, суғурини тер-тер ерга ишқаб, кўчани тангиб сурадилар.

Ўқувчилар бу ҳолдан таажжубга тушиб, бирор нарсга сўрашмоқчи бўлишувди, нариқонда турган милиционер йўл бермади. Нима гапига тушунмаган ўқувчилар «бу янглиқини» синфдошларига ётказиш учун бўлса керак, шошилиб мактаб томон йўл олишди.

Болалар уйда сир етмайди, деб тушун айтишадилар. Ўқувчилари тушмагурс бу сирни оқизмай-тозимай бутун мактабга тарқатиб юборишди. У чинилик туфайли ўн беш сутка қамалган эди. Ўз талабаларининг саломига алик олиш бети чидамаган бу ўқитувчи ким бўлди?

Педагог деган номга йисид келтирган бу ўқитувчи Янгиёул районидagi 6-миктабда тарих фанида таъсил берувчи Қалам Шабает бўлади. У бир вақтлари коллектив хурматини қозонган, обрўли педагоглардан бири эди. Дарсларни ўзлаштиришда ўқувчиларга яқиндан ёрдам берад, айнакча лавомат ҳақида жон қуйдиран эди.

Нима бўлдию, Шабает ичкилик баласига йўлиқиб, бу хислатларини йўқотди. Коллектив ишончини поймол қилди. Дастлабки қадамни у юз-юзи юздан бошлаган бўлса, бориб-бориб стананнинг ҳолати ҳам бўлай қолди. Ҳатто дарсга ҳам бешик тебратардек қайқалиб кириб келадиган, уни тартибга за-

қирган киши эса кўзига ёмон кўринадиган бўлиб қолди.

Йўқ мактаб ва маориф коллективи Шабаетнинг бу ҳаракатига, одобиға томошабин бўлиб қоллишлари мумкин эмас эди. Уни бир неча бор ўртага олиб, мукоама қилишди, қаттиқ оғохлантиришди ҳам. Афсуски, дўстларнинг қилган панд-насиҳатлари, тошта сепилган сўздек унга таъсир қилмади.

Шабаетнинг умр йўлдоши Мадина Аҳмедова ҳам шу 161-мактабда математикадан дарс беради. Мадина опа камтарини, ўз касбини севган ҳақиқий педагог. Мак-

АХЛОҚ ВА ОДОБ МАВЗУИДА

таб коллективи Мадина опани хурмат қилди. Оламийлик қиёфасини йўқотган Шабает ана шу умр йўлдоши Мадина опага ҳам туҳмат тошини отишдан, унинг обрўсини оёқсиз қилишдан ўзини тиймади. У уйига оёқда туролмайдиган даражада ичиб келиб, хотинига ҳўқ қилар, «сен дарс берма, ишининг ташла, уйда кўчмилиб ўтир, акс ҳолда...» деб эркин бўғмоқчи бўларди.

Лекин Мадина опа эри ҳар қанча хўрламади, ҳар қанча уринмасин, ўз севган касбидан воз кечмади. Эрининг кирканч ниятларини мактаб ўқитувчилари, халқ маорифи ходимлари ўртасида фойқ қилиб ташладилар.

Шундан кейин Шабает «мени танқид қиладиган сеимсан» деб кир чопонини тескари кийиб олди. У бир кунни уйига маст ҳолда келиб, хотини ва уч боласини уйдан ҳайдаб чиқарди.

ТОШКЕНТДА «Автоматлар ва сунъий фикрлаш назарисини» темасига бағишланган халқаро илмий конференция ўз ишчи давом этишмоқда. СССР ва Ўзбекистон ССР фанлар академиялари уштирган бу илмий конференция ишда Иттифокдош республикаларини вакиллари ва социалистик мамлакатларнинг олимлари қатнашмоқда. Суратда: конференция қатнашчилари (чапдан ўнгга), Н. Р. Торопов (Тошкент), Д. А. Абдуллаев (Тошкент), В. Н. Роганский (Москва), Т. Г. Бозорбоева (Фрунзе), В. П. Диденко (Фрунзе), В. И. Куроченко (Фрунзе), М. Баржанов фотоси, (ЎзТАГ).

Я Н Г И Б О Ф Ч А

Високосольная массива кундан-кун чирой очаяпти. Бу ерда турар-жой бинолари билан бирга қатор маданий-маиший муассасалар бинолари ҳам қурилмоқда.

«Крупнопанельный» трест 18-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари кечатина 120 жажжи ўғил-қизга мўлжалланган болалар богачи ва 45 хонадонли турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар.

КАБЕЛЧИЛАРГА СОВГА

4-қурилиш трестига қарашли 6-қурилиш бошқармаси бинокорлари кабелъ заводи иши ва хизматчилари учун Левитан кўчасида 45 оилага мўлжалланган уйиқ муддатидан олдин битказишди.

С. ҲАСАНОВ.

«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»

Меҳнаткашларнинг оромгоҳ жойларидан бири ҳисобланган Тошкент денгизининг келажак истикболи қандай? Ҳозир бу ерда қандай қурилиш ишлари олиб бориладиган?

Сиз бу ва шунга ўқашаш бошча саволларга жавоб оломоқчи бўлсангиз «Тошкент денгизи» номида китобчани ўқиш чўқинг. «Ўзбекистон» нашриёти томонидан қилинган бошчилик чўқдан бу китобча экскурсовод сўҳба-ти йўсинида ёзилган.

Китобчада денгизнинг келажак ҳақида ҳам бағафосил тўхталган. 200 кишига мўлжалланган туристик база қурилади. «Таштестильмаш» заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати бу ерда палаткали шаҳарчаларига эга бўладилар.

«Тошкент денгизи» китобчаси иллюстрацияларга ҳам бой.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИ: Редактор — В.35212, Редактор ўринбосари — В.35885, В.36232, Массул секретари — В.34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — В.31936, Санъат, транспорт ва қурилиш бўлими — В.33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — В.35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртилари бўлими — В.339050, Совет нурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В.338761, Катлар ва оммавий ишлар бўлими — В.34048, Эълонлар бўлими — В.338142, Коммутиатор — В.30249 дан В.30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05956, ИНДЕКС — 64697, № Б — 1873.

Бизнинг АДРЕС:

Тошкент, Памил Восток кўчаси, 26-уй

Телефон В.3-42-03